Стратегик ва минтақалараро КУТУБХОНАСИ

Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 31 МАРТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 62 (10.619) Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 28-30 МАРТ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Бу Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга тўртинчи сафари бўлди. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги, хусусан, ўтган йилнинг май ойида Жанубий Корея раҳбари Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган кўплаб келишувлар билан якунланганини икки томонлама ҳамкорлик самарали ривожланаётганидан далолат беради. Шу маънода Ислом Каримовнинг Сеулга бу галги сафарини Тошкент музокараларининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Президентлар аввал яккама-якка, кейин расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар олиб бордилар. Но Му Хён ўзининг Тошкентга сафарини ёдга олиб, меҳмондўстлик ва самимий муносабат учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон раҳбари Тошкентда илгари сурган таклифини, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш вақти етганини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари кўп масалаларда ҳамфикр. Стратегик шериклик борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди ва музокаралар якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шубҳасиз, бу ҳужжат ташриф давомида эришилган энг муҳим келишув бўлди.

29 март куни Ўзбекистон Президенти Корея Республикасининг етакчи иқтисодий ташкилотлари - Саноатчилар федерацияси, Савдо- саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари ҳамда Миллий ассамблея (парламент) Спикери билан мулоқотда бўлди.

Ишбилармон доираларнинг йирик вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонда Жанубий Корея бизнесини янада кенгайтириш, икки мамлакатнинг тегишли иқтисодий ташкилотлари, фирма ва компаниялари, корхоналари ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалалари томонларнинг диққат-марказида бўлди. Алоқаларнинг янги йўналишларини очиш имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш парламент Спикери билан суҳбатнинг бош мавзуи бўлди. Ким Вон Ки билан мулоқотда Ислом Каримов келгусида бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига муносиб бўлишига ишонч билдирди. Ўзбекистоннинг янги шаклланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб, Корея парламентарийларини ўзаро тажриба ва ахборот алмашувни кучайтиришга даъват қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик алоқалари расмийлаштирилгани муносабати билан бу ўринда мазкур воқеанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларига тўхталиш жоиз. Одатда сиёсий алоқаларга асосан халқаро муаммоларга қарашлар уйғунлиги ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади. Ўзбекистон билан Жанубий Корея халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр. Бу Сеул музокараларида яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Шу кунларда Сеул сиёсий доираларида мамнуният билан қайта-қайта тилга олинган мавзу - Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлаётгани бу фикрнинг ёрқин исботидир. Бу хусусда кўп мисол келтириш мумкин: 2005 йилнинг ўзида Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадаллари бўйича қўмитага ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига Корея Республикаси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади.

Тошкент Сеулнинг Корея яриморолида Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган «тинчлик ва фаровонлик» сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сиёсий ҳамкорликни белгиловчи яна бир бўғин - ҳарбий- техникавий соҳадаги алоқалар ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдаёқ ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан саналади ва бу борада Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида етакчи ўрин тутади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади. Ўн йилдан буён нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бир неча мамлакатларида ҳам «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотларининг бозори чаққон. Россияда «ЎзДЭУавто» автомобиллари энг кўп сотиладиган хориж автомашиналаридан саналади.

Корея Республикаси томонидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 77 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағ телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, икки юздан зиёд коллежни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Бундан ташқари, Жанубий Корея Эксимбанки томонидан берилган имтиёзли кредитлар «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Матиз» русумли автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (35,9 миллион доллар) ва ипак йигирувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш (2,5 миллион доллар) лойиҳаларига сарфланган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали техникавий ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Жумладан, шу кунгача КОИКА дастурлари бўйича турли вазирлик ва идораларнинг 630 вакили малака оширди, Миллий жуғрофий ахборот тизими, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида электрон кутубхона барпо этилмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 138 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ- овқат ва енгил саноатда, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади. Айни пайтда Жанубий Кореянинг 37 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган.

Савдо-иқтисодий алоқаларга доир жорий масалаларни мунтазам мўҳокама қилиб бориш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон-Корея ва Корея-Ўзбекистон қўмиталари тузилган.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ривожида «Ўзбекистон-Корея Республикаси» дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш учун 1992 йили Тошкентда ташкил этилган Корейс таълим маркази муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида кореяшунослик кафедралари ташкил этилган, 112 мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Корея Республикасини ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга ундайди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бу вазиятда тараққиёт қонуниятлари ўртага чиқади.

Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва сармоя, саноат, нефт-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир қирқдан зиёд ҳужжат имзоланди. Уларда кўзда тутилган умумий маблағ 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масалан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. «Ўзбекнефтгаз» билан «КОГАЗ» компанияси ўртасида Устюртда геология-разведка ишларини олиб бориш бўйича тузилган ҳужжатга биноан газ конларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар миқдорида сармоя киритилади. «Ўз-Корес майнинг» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутувчи Таъсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эксчейнжбанк ўртасида тузилган кредит битими - 20 миллион доллар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея Эксимбанки ўртасида тузилган умумий таълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги битим - 30 миллион долларлик молиявий қийматга эга.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда айтган сўзларининг ёрқин тасдиғидир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, икки томон ҳам бир масалани теран ҳис этади: стратегик ҳамкорлик шунчаки декларация билан қарор топмайди, бунинг учун имконият бўлган тақдирда ҳам, барибир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асос тайёрлаш, икки томон салоҳиятини имкон қадар тўлиқ ишга солиш йўлларини очиш зарур. Шу маънода, Сеул саммитини катта тарихий ташаббуснинг рўёбга чиқиши, деб баҳолаш мумкин.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам самарали учрашувларга бой бўлди. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Мунни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига ва кўпгина халқаро муаммоларга нисбатан қарашлари ўхшаш эканлиги таъкидланди. БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб- қувватлангани учун Бан Ки Мун Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Хан Док Суни ҳам қабул қилди. Мулоқотда ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини рағбатлантириш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримовнинг Сеул мэриясидаги учрашуви яна бир тантанага сабаб бўлди. Корея Республикаси пойтахтининг мэри Ли Мёнг Бэк Ўзбекистон Президентини «Сеулнинг фахрий фуқароси» деб эълон қилди. Ушбу воқеага бағишланган маросимда Ўзбекистон ва Корея халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, Тошкент билан Сеул ўртасида биродарлик ришталарини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ислом Каримов шундай шарафга сазовор бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф арафасида Сеулда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби корейс тилида чоп этилди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи кенг ёритиб борилди.

Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасида деярли барча соҳаларда ҳамкорликни янги поғонага кўтариш имкониятларини очгани, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларни расмийлаштирилгани ва бу муносабатларни мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асос билан таъминлагани билан тарихга кириши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Сеул-Тошкент.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман молия бўлимида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, туман молия бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Усмон Носир маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Тинчлик ва осойишталик — жамиятимиз ривожи» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 114-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивалида «Бўрижар», «Мевазор», «2-Қатортол» маҳаллалари болалари иштирок этишди.

● **БУГУН** Авиасозлар маданият саройида Ҳамза туман Ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган кўрик-танлов «Ракеталар оламида» деб номланди.

● **БУГУН** «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан маънавий-маърифий ишларни яхшилаш чораларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туманда жойлашган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

● **ЭРТАГА** Миробод туманидаги «Истиқлол», «Файзиобод» маҳаллаларида ободонлаштириш ишлари ташкил этилади.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Уч қаҳрамон» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари, кам таъминланган оилалар вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир яшариш, янгиланиш айёми Наврўзга бағишланди.

● **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирокида ўтказилган ўқув семинари хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланди.

● **БУГУН** Сергели туман мудофаа ишлари бўлимида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати «Ватанни ҳимоя қилиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча Чирчиқ шаҳрида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича иккинчи «Умумармия ўйинлари» тантанали равишда очилди.**

● **Бухорода болалар спорт иншоотларини қуриш, жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган республика минтақавий семинари бўлиб ўтди.**

● **Самарқандда «Ўзбек миллий кино санъати» кунлари давом этмоқда. Икки кундирки шаҳар кинотеатрларида ўзбек киноижодкорлари томонидан кейинги йилларда яратилган энг сара фильмлар намойиш этилмоқда.**

● **Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали, вилоят «Қоракўл» бирлашмаси мутахассисларининг саъй-ҳаракати, олимларнинг илмий изланишлари натижасида қоракўл қўйларининг қовурғасимон қалам-гулли зоти яратилди.**

● **Самарқанд чет тиллар институтида «Нутқ лингвистикаси» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг етакчи тилшунос олимлари билан бир қаторда Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган тилшунослар ҳам иштирок этишди.**

● **Пойтахтимиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида «Тўй— 2006» кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

● **Чироқчи туманидаги Ҳайиткўл қишлоғида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Наврўз байрами муносабати билан халқ бахшилари фольклор этнографик жамоаларининг «Бахшили эл — яхшили эл» деб номланган фестивали бўлиб ўтди.**

● **Термиз шаҳридаги Алпомиш ўйингоҳида «Аёллар ва ёшлар — диний экстремизм, терроризм ва гиёвандликка қарши» шиори остида форум ўтказилди.**

● **А.Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида миллий дорбозлик ва анъанавий цирк санъати жамоаларининг республика фестивали ўтказилди.**

● **Хореография санъатининг дарғалари ҳисобланган Игорь Моисеев ва Тамарахонимларнинг 100 йиллик таваллудига бағишлаб болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган фестивалнинг якунловчи концерти бўлиб ўтди.**

● **«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида энциклопедиянинг якунловчи 12-жилди устида қизғин иш олиб бориляпти. Ушбу жилддаги ҳамма мақолалар Ўзбекистон Республикасига бағишланади.**

● **Термиз шаҳрида ёшлар маркази очилди. Ушбу масканни Эсончори Эргаш ўғли номидаги корхона бунёдкорлари уч ой мобайнида бунёд этишди.**

● **«Ўзбекдавлатцирк» ижодий уюшмаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Золушка» театри томонидан тайёрланаётган томоша дастурларидан япониялик цирк мухлислари ҳам баҳраманд бўлишади. Кунчиқар мамлакатнинг Нагано шаҳрига қилинадиган ижодий сафарда театр жамоаси япониялик цирк усталари билан ҳамкорлик алоқасини ўрнатишади.**

ЖАҲОНДА

● **Sky News хабарларига қараганда сешанба куни Париж полицияси шаҳарнинг республика майдонида тўпланган намойишчиларни кўзни ёшлантирувчи газ ва сув ёрдамида тарқатиб юборган. Намойишчилардан 245 киши полиция томонидан ҳибсга олинган.**

● **Падуан университети олимлари мия тўқималари жойлаштирилган янги микросхема яратишди. 1 миллиметр ўлчамли мазкур «Нейрочип» NACHIP 16384 транзисторга эга бўлиб, махсус оқсиллар ёрдамида ортиқча нейронлар туташтириб чиқилган.**

● **Афғонистоннинг Гилменд музофотида жангарилар уюштирган ҳужум натижасида 1 нафар канадалик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган. 3 нафари жароҳатланган. Бу ҳақда Канада миллий мудофаа департаменти баёнотида айтилган.**

● **Исроилнинг «Ликуд» партияси лидери Биньямин Нетаньяху ўн йил давомида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини кескин кўтаришга ваъда бермоқда. Унинг сўзларига қараганда, 2015 йилларда Исроилнинг 7 миллион аҳолиси қўлида чорак триллион доллар бўлади.**

● **Японияниng NKA телерадиокорпорацияси бешта маҳаллий телерадио компания ҳамкорлигида дунёдаги энг баланд телеминорани қуриш ниятида эканлигини билдирди. New Tokyo Tower деб номланиши кутилаётган ушбу миноранинг баландлиги 600 метр бўлиб у 2011 йилда қуриб битказилади.**

● **Мельбурн шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилган «Ҳам корлик ўйинлари» мусобақасига келган Африка ва осиёлик спортчилардан тўққиз нафари бедарак йўқолган. Бу спортчиларнинг 7 нафари Сьерра-Леоне фуқароларидир.**

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 1 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 16- 18 даража иссиқ бўлади.

ЎЛКАМИЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН НАВРЎЗ ШУКУҲИДАН АЙНИҚСА ЖАЖЖИ БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚАЛБИ ЧЕКСИЗ ШОДЛИГУ ҚУВОНЧГА ТЎЛМОҚДА. ҲАР БИР ГЎШАДА БАҲОР ВА НАВРЎЗНИ МАДҲ ЭТИБ ЯНГРАЁТГАН ҚУВНОҚ КУЙ-ҚЎШИҚЛАР УЛУҒ АЙЁМДАН ДАРАК БЕРМОҚДА.





Тадбирлар

БОЛАЖОНЛАР ҚУВНАШДИ

Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлимига қарашли 461-мактабгача таълим муассасасида куни кеча Наврўз айёмига бағишланиб ўтказилган байрам тадбири «Хуш келибсан, Наврўзим!» деб номланди. Ушбу тадбирда кореялик меҳмонлар, «Хадра» маҳалласининг фаоллари, ота-оналар, мазкур мактабгача таълим муассасасининг фахрийлари ва болажонлар қатнашдилар. Шу куни тўкин дастурхон атрофига йиғилган болажонлар ва байрам иштирокчиларига саховатли ҳомийлар томонидан тайёрланган ош тортилди. Наврўз таомлари бўлган сумалак ва кўк сомсалардан тановул қилган байрам либосидаги жажжи болажонларнинг кувончи чексиз бўлди. Қўлларида тутган баҳорий гулдасталар билан ота-оналари, қадрдон мураббийларини айём билан қутлашди. Баҳор ва Наврўз ҳақида шеър ва қўшиқлар айтиб, шўх рақсларга тушишди.Байрам тадбирида ўйнаб-яйраган болажонларнинг бахтиёр ва кувноқ кулгулари оламни тутди.

— Ҳаётимиз юлдузлари, орзу умидимиз бўлган шу қора кўз жажжи болажонларимизнинг беғубор қалбларига кувонч бахш этишдан ортиқ бахт бўлмаса керак, —дейди 461-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Муяссар Юсупова.— Ҳозирда масканимизда 260 нафар бола тарбияланмоқда. Ҳар бир байрамларда муассасамизда мана шундай шодиёна тадбирлар ўтказиб туриш анъанага айланган. Чунки бу тадбирларда албатта миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ўз аксини топади. Зеро, ёш авлод онгига бундай қадриятларимизни сингдириш бизнинг бурчимиздир.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: 461-мактабгача таълим муассасасида ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.



Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ПОЙТАХТ СПОРТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА УМУММАМЛАКАТ ОММАВИЙ ЮГУРИШ МАРАФОНИГА СТАРТ БЕРИЛДИ.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу спорт байрами бу йил Наврўз айёми ҳамда Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланди. Унда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 14 та жамоа қатнашади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида **КЕЧА** бўлиб ўтган йиғилишда марафон югуришнинг пойтахт босқичига оид ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Бу борада Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган махсус чора-тадбирлар дастурига мувофиқ бизнинг жамоа аъзолари узоқ масофага югуришга 3 апрель куни Тошкент — Андижон йўналиши бўйича киришади. Пойтахт жамоаси 1980-1986 йилларда туғилган Г.Амантаева, З.Мелибоева, В.Русанова, Е.Дергунова, С.Худайберганов, Б.Эрматов, А.Қудратов, Х.Раҳмонов, Х.Утапов, Ш.Абдиев, С.Аминов, М.Мадаминов, Ж.Шерматов каби спортчилардан таркиб топган ва ҳар бири енгил атлетика бўйича квалификацион тоифага эга бўлиб, кўплаб масофали югуришларда, шу жумладан баҳор байрами муносабати билан 26 март куни пойтахтда ўтказилган соғломлаштириш марафонида ҳам муваффақиятли қатнашган.

4 апрель куни тошкентлик спортчилар Андижон, Тошкент, Наманган, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари жамоалари билан пойтахтга қайтиб келиши режалаштирилган. Шу муносабат билан Красницкий номидаги стадионда марафон югуришнинг пойтахт босқичи иштирокчиларини тантанали қутлаш ва Тошкент шаҳар ҳокими номидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими марафон иштирокчиларини спорт кийимлари билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва Ички ишлар бош бошқармасига Бектемир, Сергели ва Яккасарой туман ҳокимликлари билан биргаликда марафончиларнинг югуриш жойларида санитария ва жамоат тартибини сақлаш, шунингдек мазкур спорт тадбирининг мавзусидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларни тегишли тарзда безаш вазифаси юклатилди. Марафон давомида спортчилар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан доимий равишда тез тиббий ёрдам мутахассислари назорати остига олиниши белгиланди.

Пойтахтдаги педагогика ва иқтисодиёт университетлари, юридик, ирригация ва мелиорация, автомобиль йўллари, тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда шарқшунослик институтлари — еттита олий ўқув юртларига 4-5 апрель кунлари марафончиларни узоқ йўл олдидан мароқли дам олиши учун талабалар турар жойлари негизида маданий дастур ҳамда байрам дастурхони билан хушнуд этиш тавсия этилди.

5 апрель куни эрта билан соат 7.30 да қайд этилган вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари кейинги босқичдаги марафон югуришга тантанали кузатиб қўйилади. 70 нафардан зиёд спортчилар Тошкент — Самарқанд йўналишидаги масофани марафон югуриб босиб ўтадилар. Кейинги босқичдаги йўлни эса қадимий ва кўҳна шаҳарда бошқа еттита вилоят ва Қорақалпоғистон жамоалари билан учрашгандан сўнг, биргаликда давом эттирадилар.

Умуммамлакат оммавий югуриш марафони 9 апрель куни Шаҳрисабзда — буюк Соҳибқирон Амир Темур туғилган шаҳарда якун топади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Спорт

ГЕРМАНИЯДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ТУФАЙЛИ ЮРТИМИЗДА СПОРТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ ҚАТОРИ БАДИИЙ ГИМНАСТИКА РИВОЖИГА ҲАМ ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛЯПТИ. БУ ФИКРИМИЗНИ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАРДА ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ҲАМ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАЙДИ.

Куни кеча Германияда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон Кубогининг «В» тоифасига кирувчи турнири уюштирилди. Унда иштирок этган ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинлари ғолиби Оксана Чусовитинага яна омад кулиб боқди. Мусобақанинг таяниб сакраш йўналишида Оксана аниқ ва бехато ҳаракат қилиб турнирнинг кумуш медалини қўлга киритди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Антон Фокин эса кучли тўртликдан ўрин эгаллади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

УЗИЛМАГАН ҚАРЗ

Қодиржон эрталаб барвақт турди. Яқин дўстларидан бири отасининг 80 ёшга тўлган кунини муборакбод этиб наҳорга ош бераётган эди. Шошилиб кийинди.

— Кунора, ҳар куни ош, — деди хотини. — Шошилганингиз шошилган. Кечқурун алла-паллада қайтасиз. Ойимнинг аҳволлари тобора оғирлашиб боряпти, Ганимат одам. Олдиларига кириб бундай бемалол гаплашиб ўтиришга вақтингиз йўқ.

Хотинининг бу гапи Қодиржоннинг ғашини келтириб, асабини қўзиди.

— Нима дейсан. Айтилган жойга, ошга, ишга бормай ойимни олдиларига кириб ўтирайми? Кечқурун эрта келганимда кўнгилларини сўраб турибманку.

— Сўраб турибсиз, сўрамаяпсиз деяётганим йўқ. Лекин ҳар гал ишингиз қолиб кетаётгандек шошилиб кириб, шошилиб чиқасиз. Бундай олдиларида бемалол ёзилиб ўтирмайсиз. Кеча анча тоблари бўлмай «Тез ёрдам» чақиртирдик. Анча-мунча дориларни ёзиб ташлаб кетишди. Мана қоғозлари. Ошдан чиқиб машинангизда шундай ташлаб ўтарсиз.

— Машинани бензини йўқ. Ҳали бензин ҳам олишим керак. Ошдан чиққунча кечикиб кетаман. Ишга барвақтроқ боришим лозим. Чойдан кейин ўзинг дорихонага чиқиб келарсан.

Бошқа гапга ўрин йўқ дегандек Қодиржон индамай чиқиб кетди. Дўстиникига етиб борганда, амри маъруф энди бошланган экан. Бир четдан жой олиб ўтирди. Маърузачи худди унинг уйида ҳозиргина бўлган машмашадан хабар топгандек гапни фарзанднинг ота-она олдидаги бурчидан бошлади.

— Гулларнинг ичида энг ширин ҳидлиси қайси? — деб сўрабди бир йигит донишманддан.

— Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд, — деб жавоб берибди донишманд. Шундай азизлар, — деб сўзини давом эттирди у. — Ота-оналаримизнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, доим уларнинг хизматида қойим бўлишимиз, уларнинг дилига озор берадиган сўзларни айтмоқликдан тийилишимиз, ота-она истагини дарҳол бажо келтиришимиз лозим.

Одам табиати қизиқ. Гоҳо биргина сўз ўйлантириб, хаёлга толдириб қўяди. Домланинг мана шу охирги сўзи негадир айнан Қодиржон учун тааллуқлидек бўлиб туюлди. Шу куни юрса ҳам, турса ҳам хаёлидан шу сўз кетмади. Бирдан хотинининг «оймага дори-дармон келтириш керак» деган гапи эсига тушди-ю, шошилиб уйига отланди. Ҳа,у чакки иш қилганини энди тушунди. Хотини уй юмушларидан ортиб қачон кўчага чиқади-ю дорини қачон топиб келтиради. Унгача онасининг аҳволи нима кечади? Бекордан бекорга ўчакишиб, эринмай ўша дори-дармонларни ўзи топиб уйи-универсам бекатидан кўнгил очиш боғи бекатигача етиб келдик. Ҳайрият, шу ерда автобус бироз бўшагандек бўлди. Енгил нафас олдик. Ўнг томонимда турган йигит менга мурожаат қилиб:

— Отахон, ёнингизни қаранг, ҳеч нарсангиз йўқолмабдими? — деб сўраб қолди.

Ҳайрон бўлиб унга тикилганимча устки кийимимнинг ўнг чўнтагига қўл суқсам ундаги тўй таклифномалари, баъзи бир яқинларимнинг телефон рақамлари, дори-дармон рўйхатлари ёзилган қоғозлар ва минг сўмга яқин пулларим йўқ.

— Ҳа, мана шу чўнтагимни шилиб кетишибди азаматлар, — дедим йигитга. — Сиз кўриб турган экансиз нега индамадингиз ўғлим?

—Мен атайлаб индамадим.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

...ЎЗГАНИ ҚЎЙ

Эрталаб автобусга чиқдим. Машина салони тиқин эди. Ўтириш у ёқда турсин, тик оёқда туриш учун ҳам жой йўқ. Боз устига ҳар бекатда тўхтаб ўтаётган автобусга тушувчидан чиқувчи кўп. Чиптачи йўловчилардан дам-бадам йўл кира ҳақини сўрашни қўймайди. Йўловчилар эса чўнтакларини тополмай хуноб. Шу тахлит Юнусободнинг Йигитнинг бу сўзидан энсам қотди.

— Автобусдан тушинг, ҳозир йўқотган нарсаларингизни қайтариб оласиз, — деди йигит мени ҳайрон қолдириб.

Автобусдан тушдик. Шунда йигит менга ҳужжатини кўрсатди. У милицияда ишлар экан. Шу тобда олдимизга бир машина келиб тўхтади. Орқа ўриндикда ўтирган йигитлардан бири тушиб, мен билан сўрашди.

— Чўнтагингизни шилиб кетган киши мана ўтирибди. Нималарингизни йўқотдингиз ота? — сўради у ҳам.

Мен йўқолган нарсаларимни бирма-бир санадим. Йигитлар бояги кишининг чўнтакларини кавлаб, ҳамма йўқотган буюмларимни топиб олишди.

— Мана шулар сизникими? — сўрашди улар.

— Меники, —тасдиқладим мен.

Йигитлар барча қоғоз ва пулларимни қайтариб беришди-да, бор гапни мендан ёздириб олишиб, қўлга тушган чўнтак ўғрисини ўзлари билан олиб кетишди. Мен раҳмат айтиб қолавердим.

— Яхши ҳам чўнтак ўғриларини додини берадиган шунақалар бор. Бўлмаса қолганлар ҳамёнингизни биров титаётганини кўриб туриб ҳам индашмайди, — деди йигитлардан бири.

— Айтишдан қўрқишади, — деди кимдир.

— Қўрқиш ҳам ўлсин, — деди бир хотин. — Ўзим бўлай, ўзгани қўй, деб шунақаларга кенг йўл очиб беряпмиз ўзимиз.

Шу тобда у ҳақ гапни айтган эди.

БИР БОР КЕЛИНГ...

ҚАТРА

Онажоним, жону жаҳоним, соғинганим мунис дилкашим! Дадажоним суянч тоғим, кенг осмоним, дийдорига зор қилган сўнгсиз армоним... Нечун бугун ёнгинамда йўқсиз-а? Юрагимда қадалган бир ўқсиза. Сизлар армон энди, чиндан армонсиз, бир соғинчли, бир оғриқли хаёлсиз.

Куйлайверсам туганмас бир куйимсиз, қалбимдаги ширин хаёл ўйимсиз.Кўришга зор, кўра олмас оримсиз, самодаги қўлим етмас ойимсиз. Ўксиганда кўтармайсиз кўнглимни, ҳолинг не деб, сўрамайсиз аҳволимни. Сирларимни кимга айтай, ким сотмас, сизларсиз тонгларим ҳамон шодон отмас.

Кела қолинг, бошингизга болиш бўлайин, ёнингизда майин, мунгли хониш бўлайин, майли дардан сарғаяйин, сўлайин, тиззангизга бошим қўйиб, бир дам ором олайин. Тушларимга кирмайин ҳам қўйдингиз. Ғойиблардан ҳолгинамни сўрмайин ҳам қўйдингиз. Нечун мени соғинмайсиз, куймайсиз, айтинг менсиз қандоққина юрибсиз?!

Боролмаймиз, сочларингни бир боргина силолмаймиз, деб айтманг, тушларимга келар йўлдан, киролмадик деб қайтманг. Юзларингда табассуму лабда кулгу, балки энди айриликка кўникибсан, кўнибсанку жоним болам, дея олисларга парвоз этманг, йироқламанг.

Кеча-кундуз хаёлимда ўйимдасиз, онажон, юрагимда, йўлларимда ўнгимдасиз дадажон.

Бир бор келинг чин бўлсина тушларим, сизларни кўриб, учиб кетсин ҳушларим. Майли жоним олсин жонфурушларим, фақат келинг, оғринмасин орзуларим. Борлиғим борим онам, суянчим жоним отам!..

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ӮЗ-ӨЗ ЎЗГАНИЙ ДОНО БЎЛМУҒ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ватан менинг жону таним саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур.

ФИТРАТ

ҲИКМАТ: Азизим, кимки улуғлик тожи бошимга қўниб, саломат бўлай деса, ҳаракат камарини белига боғлайди. Кўрмайсанми, пиёдалар шохмотнинг катагини босиб ўтганларидан сўнг, мардоналиклари туфайли, фарзинлик даражасига эришадилар. Кичкинагина ой эса ўн тўрт кунлик сайрдан сўнг ҳилоллик даражасидан тўлин ойлик мартабасига етишади. Байт:

Покиза инсонлар кўрмайди хорлик,
Лаъл ҳам кондан чиқиб, зарга етишди.

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Ҳамиша халқингга меҳрибон бўлгил,
Яхшиликка тириш ва омон бўлгил.

Носир ХИСРАВ

Қўбизини сайратган бахшига халқи керак.

«ҚЎРҚИТ Ота китоби»

Гар олтин қаср эса жоҳинг, улус ҳолиға раҳм этгил,

Комил ХОРАЗМИЙ

Истасанг кўнглумга осойиш,
қадаҳ тут, соқиё,
Ким даме йўқким, улусдан юз
туман озори йўқ.

Ҳусайн БОЙҚАРО

Раият эрур мевалик бир яғоч,
Сув берсанг анго, мева берур санго.

ПОШШОХЎЖА

Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.

НАВОИЙ

Кимки эл ғамидадур сухансанж,
Анинг ҳар сўзи дунёда улуғ ганж.

Анбар ОТИН

Ростликка завол ўлмас эмиш, билинг,
Халқингни ҳалок этмагил, эй ёр.

Дилшоди БАРНО

Улки зафар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

НАВОИЙ

Агар халқнинг бошчиси яхши бўлса,
Унинг хизматчилари яхши бўлади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Ушалким элди айбини ёшурса,
Худо ул бандани мағфур тутқай.

НОДИРА

Ўзунгга айла тавозуъ тариқасин пеша,
Юзунгни қилма совуқ халқ ичра,
мисли калос.

Шавқий ҚАТТАҚЎРҒОНИЙ

Подшолик истасанг бўл эл гадоси,
Ўзингни униту бўл эл ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсун десанг,
Эл қўлин тутгину бўл ҳокипоси.

Паҳлавон МАҲМУД

Оти чиқар кимдаки бор лутфу жуд,
Давлати шоиста дагул бевужуд,
Лутфу мурувват йўлина ур қадам,
Ким бу дурур шохию таблу алам.
Кимдаким бордур лутфу карамдин нишон,
Ўлса ўзи, оти қолур жовидон.

Саид ҚОСИМИЙ

Ҳар ёшки эгадир ҳусну жамолга,
Осмонда қуёшдир етгач камолга!

ХУРРАМИЙ

Ёшликда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсусланма.

«ОТАЛАР сўзи»

Ёшлик сенга бир йўл келиб, яна кетар,
Қадрига етиб ўйнамоғинг даркор.

Дилшоди БАРНО

Агар кишидан бир ёдгорлик қолмаса, уни одам ҳисоблаш нораводир. Агар инсондан дунёда бир китоб ёки иморат қолса, у тириклар қаторида йўқланади ва ундай киши ҳаргиз ўлмайди.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Йигитлик мавсуми, даврон ғанимат.

САЙҚАЛИЙ

ҲИКМАТ: Ўзини ҳусну жамолининг қадрини ва ёшлигининг бебаҳолигини англамаган йигит бу фазилатнинг самарасидан бебаҳра қолади. Бир кекса киши ёшлар билан суҳбат қурганда уларга доимо шундай дер эди: «Ўз ёшлигингиз қадрини билинг, ундан ғофил бўлманг, эртага кексалик навбати етгач, надомат бармоғини тишлаб қолишдан фойда йўқ!»

Тириклик боғидек боғ йўқ сафолиг,
Йигитлик мевасидек ҳам азолиг.

ҚУТБ

Ёшлик мастлиги шароб
мастлигидан ортиқ,
Йигит йигитдан йиқилади, аммо
таслим бўлмайди.

«ОТАЛАР сўзи»

Сафар қилинглар — соғлом ва насибали бўласизлар.

ҲАДИС

Қарилик мавсуми — меҳнат, йигитлик вақти роҳатдир.

ҲУВАЙДО

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

Қисқа вақтга квартира топшираман.
Телефонлар: 127-62-48, 128-62-48.



КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов



Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам билгил яхшироқ,
Шакардан топади маза оғиз,тил,
Кулгидан топади лаззат руҳу дил.

1 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО КУЛГИ КУНИ

1 апрель —Халқаро кулги куни. Дунёдаги барча халқлар бу кунда бир-бирларини ёлғон гапириб, бегараз алдашга уринадилар, апрель қилдим, деб самимий алдовлардан яйраб куладилар.

Халқимиз қадимдан кулгисевар, санъатсевар халқ. Хурсандчилик кунларимиз, тўйлар, байрамларимиз ҳазил-мутойиба, аскиясиз ўтмайди, албатта. Уч-тўрт ёки бешўн киши йиғилган давраларда албатта қаҳқаҳа, аския, латифа айтилади, беғубор кулгидан диллар яйрайди. Кулги —шифо , кулги— жон озиғи, дейдилар. Чиндан ҳам кулги ҳамма замонларда, ҳамма мамлакат ва халқларда, айниқса шарқ мамлакатларида одамларни дард-ҳасратдан, ғам-ташвишдан фориғ этиб, кўнгилларга ёруғ нур бахш этиб келган. Шу билан бирга одамларни яшашга, яратишга, саломатликка, гўзалликка ундовчи куч бўлиб келган.

«Кулги— саломатликнинг тансиқ шифоси, чеҳранинг гули» дейди халқимиз. Бутун вужуди билан сидқидилдан кулиш инсон организми учун сув ва ҳаво каби табиий заруратлиги исботланган. Агар шодлик, вақтичоғлик бўлмаса, зеҳн ўтмаслашишини, заифлашишини буюк алломаларимиз таъкидлаб ўтишган. Ҳақиқий кулги олижанобликни, ақллилик ва гўзалликнинг ахлоқий кучини ифодалайди. Дарҳақиқат одам юракдан ёзилиб кулса, соғлиғи яхшиланади, енгил тортади, руҳи тетиклашади, иштаҳаси очилади. Таниқли кулги дарғаларимиздан бири Юсуфжон қизиқ Шакаржонов «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади» деб бежиз айтмаган. Шодон ва самимий кулги бўлган жойда кўнгиллардан ғубор тарқайди. Ҳа, азизлар, бу ғанимат дунёда кулиб,кулдириб яшайлик, ҳаётимизнинг азиз онларини фақат яхшилик, эзгуликка бағишлаб, хурсандчилик ва шодумонликда умр кечирайлик.

ЮЗИНГИЗДАН ТАБАССУМ АРИМАСИН

Хайрулла САЪДИЕВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Халқимизда «Яхши кулги— жон озиғи» деб бекорга айтишмайди. Кулги одамзодга сув ва ҳаводек зарур. Қизиқчилик одамларга табассум ва яхши кайфият улашишдир. Кулиш осон, кулдириш эса қийин, албатта. Ҳозирги вақтда кулмасдан яшаб бўлмайди. Менимча борликдаги ҳамма нарсалар одамларга, уларнинг руҳиятига озми-кўпми таъсир қилади. Жумладан кулги ҳам. Томошабин томошаларга асосан маданий ҳордиқ олиш, чарчоғини ёзиш, завқ олиш учун боради. Қизиқчилар эса ҳаётимиздаги баъзи нуқсонлар, камчиликларни кулги орқали ифодалашга уринадилар. Мақсад фақат томошабинни кулдириш эмас, балки кулги орқали одамларни тарбиялаш ҳам керак.

Ҳожибой ТОЖИБОЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Кулги — бу инсоннинг дилидаги яширолмаган қувончларининг портлашидир. Инсон юракдан кулганда ичидаги ғуборлари чиқиб кетади. Кулги шифобахш неъматдир. Инсон баъзи гапларни, сўкинишларни ичида сақлаб юриши мумкин, лекин кулгини ютиб, ичда сақлаб бўлмайди. Кулги одамларга Оллоҳ томонидан берилган қувонч, хурсандчиликнинг ифодасидир.Кулгининг хусусиятлари кўп. Хурсандчилик давраларда ўнта одам ичидан фақат икки-учтасигина кулса, қолганлари жим турса, ундайларни хурсандчилик ёқмайдиган одам дейиш мумкин. Кулги чеҳранинг гули дейдилар. Шунинг учун чеҳраларимиздан табассум аримасин, доимо кулиб туринг, дўстлар.

Шукрулло ИСРОИЛОВ, кулги устаси:

— Кулгини мен икки тоифага бўламан: ёлғон кулги, рост кулги. Бир марта юракдан кулиш дилдаги барча ғуборларни ювиб юборади. Бировнинг йиқилиб тушганидан эмас, ноўрин хатти-ҳаракатидан, салбий қилиқларидан кулиш керак. Самимий кулги дилдан чиқади. Ёлғон кулги — кулги эмас. Мен ҳайрон бўламан, гоҳида томошаларга борган баъзи кимсалар, ҳамма хурсанд бўлиб кулганда ҳам ҳеч кулмайдилар, нимага томошага келди, тушунмайсан. Одам бироз бўлсада маданий дам олиш учун томошаларга боради, мириқиб кулиб, бир олам завққа тўлади. Кулги бу хурсандчилик дегани эмасми? Шундай экан, кулиб яшаш керак, кулдириб яшаш керак.

Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди

ПАРИШОНХОТИРЛАР

Ҳангома

Баъзида паришонҳотирлик хасталигига чалинганмикинман, деб ўйлайману кўнглим хира тортиб кетади. Бунга мисоллар кўп бўлса ҳам барчасини эслай олмайман. Лекин ўтган якшанба кунгиси ҳозирча ёдимда.

Ўша куни кечқурун жиянимнинг никоҳ тўйига бордим. «Тўйлар муборак» энг авж пардасига чиққан экан, салом-аликдан кейин кимдир (ҳозир эсимда йўқ): «Амаки, тўйни очиб берар экансиз», деб қолди. Ичкарига, катта залга киришим биланоқ қўлимга бир нарсани тутқазишди. Хаёлим ўзимда эмасди, шу боис:

— Бу — микрофонми? — деб сўрадим қаршимда турган олифта йигитдан.

— Ҳа.

Ҳалиги илтимос паққос эсимдан чиққан эди. Шунинг учун:

— Бир нарса айтиб берайми? —дедим.

— Кейинроқ айтарсиз, ҳозир ўртани очиб берсангиз.

— Ҳамма эшиклар очиғу яна нимани очишим керак?

У ер, бу ердан қулги эшитилди, мени қизиқчи, деб ўйлаётган бўлишса керак.

— Хўш, мен нима деб тўйни очишим керак?

— Бошланишига «Муҳтарам юртдошлар, азиз меҳмонлар», дейсиз.

— Хўш, ундан кейинчи?

— Кейин...

Тавба, деб ёқамга туфлайман. Чунки у ҳам бу ёғига нима дейишни унутиб қўйганди-да. Хуллас, бир амаллаб тантанани очиқ, деб эълон қилдим-у бўш жойлардан бирига бориб ўтирдим.

— Тўйбоши ака, бу жойни хўжайиним учун банд қилгандим.

— Кечирасиз, келишлари аниқми, ишқилиб?

— Агар эсларидан чиқиб қолмаса, албатта келадилар.

— Нега бундай деяпсиз?

— Бир куни денг, янги сотиб олган «Тико»ларида ишга борибдилару кечқурун бозорга тушиб, киракаш машинада уйга қайтибдилар. Йўл ҳақини санаб бераётганларида бирдан машиналари эсларига тушиб қолибди. Юкни уйга тушириб, ўша таксида ишхоналарига қайтиб борганлар. Паришонхотирлик деган бало менда ҳам йўқ эмас, ака. Ўшанда дугонамникига юбилей кечасига борибман-да, гапга алаҳсиб, ўн ёшли ўғлимни унутиб қолдирибман. Яхшиямки, отасида машина бор.

Хуллас, «жой эгаси» ташриф буюришидан умидимни узиб қўйгандим. Шу пайт ёнимдаги аёл елкамга омонатгина туртиб, менга бир нарсани айтмоқчи бўлаётганини сездиму ҳушёр тортдим.

— Хўш, хўш?

— Анави қўшиқчини қаранг, бизларникига ўхшаш одати бор экан.

— Қандай?

— Боятдан бери зеҳн солиб ўтирибман. Қўшиқнинг битта мисрасини ўн икки марта такрорлади. Давоми эсидан чиққанга ўхшайди.

— Бўлса бордир, — дедим-у хаёлим қаёқлардадир учиб кетди.

Уч кун, йўқ, икки кун олдин содир бўлган воқеани эсладим. Эрта билан ишга келдиму ишдан сўнг қилиниши лозим бўлган юмушлар рўйхатини ҳамхонам Дилдорага узатдим.

— Илтимос, синглим, шу рўйхат кечқурунгача сизда турсин. Ўзимда бўлса ёдимдан кўтарилиши мумкин .

— Бажонидил, Алишер ака.

Кечга томон кимга нима берганим умуман эсдан чиққан эди. Яхшиямки, уйдан қўнғироқ қилишиб, эслатиб қўйишди. Дилдорадан рўйхатни сўрадим.

— Қанақа рўйхат? — ажабланди у.

— Эрталаб берган рўйхатим-да...

— Алишер ака, ҳазилингизни қўйинг, менга ҳеч нарса бермадингиз.

— Бердим.

— Эсимда йўқ.

— Гувоҳим Сурайёни чақирайми?

— Бемалол.

Сурайёга эрталабки ҳолатни эслатдим. У эса без бўлиб:

— Бугун нимаки кўрган бўлсам ҳаммаси ёдимда, лекин Сизнинг дугонамга бир нарса берганингиз... Кечирасизу...

Начора, уйга яна қўнғироқ қилиб, керакли нарсаларни қайта ёзиб олишимга тўғри келди...

Тўй яримлаб қолганда боши тақир, нўхат нусха бўйинбоғ тақкан киши одам кўриб қолгандек, тўғри менинг олдимга келиб:

— Бу ерда Турсунбойнинг тўйи бўлаяптими? — деб қолди.

— Йўқ, Шоазизнинг никоҳ тўйи, — дедим-да қўлидаги таклифномага кўзим тушиб, уни диққат билан ўқиб чиқдиму кулгимни тўхтатолмадим:

—Эй окажон, Турсунбойнинг тўйи кеча худди шу ерда ўтиб кетибдику...

Анчадан бери ҳозиргидай яйраб кулмаган эдим. Тўғрисини айтсам, ўшанда ўзимдан кулдимми, тўйнинг эртасига келган кишиданми ёки ҳамкасбларимданми ҳеч эслолмаяпман.

Абдунаби МАННОПОВ

ҲАСАД УНИ ЙИҚИТДИ

Ҳажвий шеър

Эшматнинг ит феъли бор,
Ёруғ дунё унга тор.
Ҳунари фисқу фасод,
Ичи тўла кин, ҳасад.
Оқни кўриб, қора дер,
Ҳолни кўриб, яра дер.
Қўшни ўғли бўй қўйса,
Ота ўйлаб тўй қилса,
Эҳсон этиб қўй сўйса,
Ёки янги уй қурса,
Қон босими ошади,
Лабга учуқ тошади.
Борни кўрса ўчар ранг,
Ичқиста баттар тажанг.
— Қайга қўяй жоним деб,
Куйди устухоним деб.
Зир югурар ҳар томон,
Азоб ичра қолиб жон.
Ошнодан омад кетса,
Фалакдан озор етса,
Бир яхши вафот этса,
Фарзандлари қон ютса,
Ўша кун унга байрам,
Кўзига ёруғ олам.
Феъли уни йиқитди,
Боши ёстиққа етди.
Унинг қора нияти,
Одамга ёт иллати,
Кетсин ўзи-ла бирга.
Юқмасин ҳатто ерга.

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ



Мунажжим башорати

1 АПРЕЛЬ, ШАНБА

ҲА, МУНАЖЖИМ М.СМИРНОВА ГАПИРАЁТГАН ГАПЛАРИНГИЗ ВА БЕРАДИГАН ВАЪДАЛАРИНГИЗГА ЭҲТИЁТ БЎЛИШ ЗАРУРЛИГИНИ ТАЪКИДЛАЙДИ.

Ҳаётга кўнглимизни очиш билангина, ниятларимиз сари мустақил одим ташлаш билангина атрофдагиларимизнинг тафти ва меҳрини ҳис этишимизни англаб етамиз.

Кун бўйи сизни мусиқа ёки қўшиқ овозлари таъқиб этса – бу яхшиликка. Агар бугун чарм ёки ёғочдан ишланган буюмни топиб олсангиз, омадингиз юришишига далолатдир. Бирон нарсани йўқотиш, пичоқ ёхуд зонтикни синдириб қўйиш омадсизлик ва тўсқинликлардан огоҳлантириш ҳисобланади.

2 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

ФАОЛ ҲАРАКАТЛАР ВА ТАВАККАЛЧИЛИК БИЛАН ИШ КЎРИШ ЯХШИ САМАРА БЕРАДИГАН КУН – ЮЛДУЗЛАР ЖОЙЛАШУВИ ШУНДАН ДАРАК БЕРАДИ.

Эътиборингизга ҳавола этиладиган барча илтимослар ва таклифларга диққат билан қаранг, барча нозик жиҳатларни пухта ўйлаб чиқинг. Ортиқча шошма-шошарлик ва югур-югурлардан ҳоли бўлишга интилинг. Бугун ғийбат қилиш, бировларни ёмонлаш, турли фитна-найранглар уюштириш, бажармайдиган ишингиз юзасидан ёлғон ваъда бериш мумкин эмас.

Бугун нимани кўнглингиз тусаса ва қанча хоҳласангиз – шунча овқатланинг. Айниқса аччиқ, қайноқ ва ширин таомлар фойдали.

Кийимларнинг қизил, сариқ ва юлғун ранглиларини танланг.

3 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МУНАЖЖИМ СВЕТА ДЕНЬ ТАВСИФИГА КЎРА, БУГУН МОЛИЯВИЙ ИШЛАРДА ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ.

Шунга қарамай, шериклардан воз кечиш ёки ишларни кейинга суришнинг ҳожати йўқ. Иккала томон манфаатларига ҳам зиён етмайдиган ечимни топиш керак.

Тушларга кўп ҳам эътибор қилиб ўтирманг – улар пуч бўлади.

Тинчлантирувчи, оққа яқин кийим-кечакларга бугун устуворлик берган маъқул. Мис безаклар тақиш яхши бўлади.

TV TOSHKENT TOSHKENT YOSHLAR Telekanali SPORT 30 КАНАЛ 1 РОССИЯ

ДУШАНБА, 3

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Голливуд илонлари».
9.25 «Камалак» экрани.
10.15 Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан. «Соҳибқирон». Видеофильм 1-қисм.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг».
11.40 А. Орипов. «Соҳибқирон». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.55 «Соҳибқирон». Спектакль. 2-қисм.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
14.00 «Ахборот».
14.20 Олтин мерос.
14.30 «Портретга чизгилар».
14.45 «Товус малика». Бадиий фильм.
16.15 ТВ анонс.
16.20 «Бир асар тарихи».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Ҳамон ёдимда». 2-қисм.
18.00 Оқшом наволари.
18.10 «Умр дафтари». Озод Шарофиддинов. 1-қисм.
18.30 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Аслиддин Дўстов куйлайди.
22.00 «Тақдир ўйини». Телесериал премьераси (Корея)
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Олам ва одам» дастури: «НУЖ кундалиги». 1-қисм.

«Ёшлар»

16.00 Давр.
16.15 Интерфутбол.
17.55 Ёшлар овози.
18.10 Чемпион сирлари (рус тилида).
18.30 Ёшлар куйлаганда.
18.55 Иқлим."
19.00 Давр.
19.40 Ракурс.
20.00 Олий лига кундалиги.
20.20 «Бахор наволари». Собир Нуриддинов куйлайди.
20.45 UzEX хабарлари.
20.55 Эълонлар.
21.05 «Шубҳа». Телесериал.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 «Келажакка қайтиб». Бадиий фильм. 1-қисм.

«Тошкент»

18.30 «Пойтахт» (рус.)
18.55 «Экран детям».
19.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.40 «Бир жуфт аския».
19.45, 21.40 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Жиловланмаган Африка». Хужжатли телесериал.
20.50, 22.10 Телегазета «Экспресс».
21.05 «ТВ юрист».
21.10 «Камила». Телесериал.
21.55 «Журналист тахлили».
22.25 «Крик о помощи». Художественный фильм».
23.50-23.55 «Спокойной ночи, мой город!»

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Детеныши диких животных». Сериал.
9.00 «Талкин». Информационно-аналитическая программа.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10 Международный спорт: Баскетбол. NBA.
11.10 «Бальто-2». Мультфильм.
18.00 «Детский спорт».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус.)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Королевы спорта».
20.45 «Буглионский цирк». 1-часть.
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Команда». Сериал.
22.35 «Проф-РИНГ».
23.25 «Самая обаятельная и привлекательная». Худ. фильм.
00.40 «Спокойной ночи!»

МАРКАЗ

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.20 Ўзбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.20 Мировые хиты
14.10 ТОП-10 (повтор)
15.00 Теленяня
16.00 Ўзбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.20 Made in India
18.30 «Кинокурьер» (повтор)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.20 Сериал
20.20 Ўзбек наволари
20.30 «Судьбы»
21.00 Ўзбек наволари
22.00 Кино «За бортом»
24.00 Миксер

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 02.00, 04.00 Новости
8.05 «Убойная сила». Сериал
9.20 «Детективы»
